



## 2-МОДУЛЬ. САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛАРИ

### 2.1. Илова



### 2.2. Илова



#### **Марказий сайлов комиссияси ваколатлари:**

- ✓ Сайлов кодексининг Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида бир хилда қўлланилишини таъминлаш ва назорат қилиш;
- ✓ сайлов соҳасида қарорлар қабул қилиш, йўриқнома ва низомларни тасдиқлаш;
- ✓ Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов округлари ва уларнинг комиссияларини тузиш ҳамда уларга бошчилик қилиш;
- ✓ Сайлов кодексига зид округ сайлов комиссияларининг қарорларини бекор қилиш;
- ✓ чет давлат ва халқаро ташкилотлар кузатувчиларига мандат бериш;
- ✓ Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларга сайловда иштирок этиши учун тенг шароитларни таъминлаш ҳамда сайлов яқунларини чиқариш ва матбуотда эълон қилиш.

**Марказий сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлари** округ ва участка сайлов комиссиялари, давлат органлари,

сиёсий партиялар ҳамда бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун **мажбурийдир**.

## 2.3. Илова

### Ақлий ҳужум саволлари:

1. Вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари нима учун ва қандай тузилади?

2. Маҳаллий Кенгашлар бўйича округлар ҳамда ушбу Кенгашлар депутатлигига номзодлар билан вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари ўртасида нима боғлиқлик бор?

## 2.4. Илова



### Маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказиш учун қуйидаги сайлов округлари тузилади:



Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан, маҳаллий Кенгашларга сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияси эса тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан **сайловга камида 70 кун қолганида раис, раис ўринбосари, котиб ва 6 – 8 нафар аъзодан** иборат таркибда тузилади.

Округ сайлов комиссиясининг аъзоларига сайлов комиссияси аъзоларига Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган намунадаги гувоҳнома берилади

**Округ сайлов комиссияси ваколатлари:**

✓ сайлов участкаларини тузади, тартиб рақамини белгилайди, манзиллари бўйича рўйхатни эълон қилади ва жойлашган жойини сайловчиларга хабардор этилишини ташкил этади;

✓ участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштиради;

✓ номзодларга сайлов кампаниясида иштирок этиш учун тенг шароитларни таъминлайди;

✓ номзодлар ва сайловчилар учрашувларини ташкил этишга кўмаклашади;

✓ номзодлар ишончли вакилларини рўйхатга олади ва гувоҳнома беради;

✓ участка сайлов комиссияларига пул маблағларини тақсимлайди, уларни бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади ҳамда сайловни моддий-техника жиҳатдан таъминлашнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади;

✓ сиёсий партияларнинг ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кузатувчиларига мандат беради;

✓ округ бўйича сайлов натижасини аниқлайди ва тегишинча Марказий сайлов комиссиясига, вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиясига тақдим этади;

✓ такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов, шунингдек бўшаб қолган ўринларга депутатлар сайлови ўтказилишини ташкил этади.

Округ сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмлар, корхоналарнинг, муассасаларнинг ва ташкилотларнинг раҳбарлари ижро этиши учун мажбурийдир.

Округ сайлов комиссияси Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар Марказий сайлов комиссияси томонидан, маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин ўз фаолиятини тугатади

Округ сайлов комиссиясининг ваколат муддати тугаганидан сўнг ўн кун ичида тегишинча Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияларига қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида сайловга оид хужжатларни ва сайлов жараёнида фойдаланилган моддий қийматликларни тақдим этади.

### Саволлар:

1. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари бўйича сайлов округлари неча 135 та эмас?

---

---

2. Сайлов натижалари округлар тегишлилиги бўйича кимга тақдим этилади?

---

---

3. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссиясининг Сайлов кодексига зид қарорларини ким бекор қилиш мумкин?

---

---

4. Округ сайлов комиссиялари чет давлат ва халқаро ташкилотлар кузатувчиларига мандат бериши мумкинми?

---


---

## 2.6. Илова

Қонунчилик палатаси, маҳаллий Кенгашлар депутатлари сайлови бир вақтда ўтказилган тақдирда, **ЯГОНА САЙЛОВ УЧАСТКАЛАРИ** тузилади.

Сайлов участкалари туман ва шаҳарлар ҳокимликлари тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан туман ва шаҳарларнинг чегаралари инобатга олинган ҳолда тузилади.

Сайлов участкалари сайловга камида **60 кун қолганида**, қоида тариқасида, сайловчилар сони камида **20 нафардан** ва кўпи билан **3000 нафардан** ошмаган ҳолда тузилади.



*Аъзоликка номзодлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан таклиф этилади.*

21 ёшга тўлган, ўрта ёки олий маълумотга, қоида тариқасида, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган фуқаролар вилоят, туман ва шаҳар сайлов

комиссиясининг, округ ва участка сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин.

Участка сайлов комиссияси аъзоларига Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган намунадаги гувоҳнома берилади



**Участка сайлов комиссияси аъзоларининг ярмидан кўпи битта ташкилотдан тавсия этилиши **МУМКИН ЭМАС.****

**Қуйидагилар сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас:**

- бошқа сайлов комиссияларининг аъзолари;
- сиёсий партияларнинг аъзолари;
- вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, прокуратура органларининг, судларнинг мансабдор шахслари;
- номзодларнинг яқин қариндошлари ва ишончли вакиллари;
- номзодларга бевосита бўйсунувчи шахслар.

**Участка сайлов комиссиясининг ваколатлари:**

- ✓ участка бўйича сайловчиларнинг рўйхатини тузади;
- ✓ сайловчиларни сайловчиларнинг рўйхати билан таништиради, рўйхатда йўл қўйилган хатолар ва ноаниқликлар тўғрисидаги аризаларни қабул қилади ҳамда кўриб чиқади ва рўйхатга тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этади;

- ✓ сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш ва овоз беришда иштирок этиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилардан тўлдирилган сайлов бюллетенларини ёпиқ конвертларда қабул қилиб олади;

- ✓ аҳолини сайлов куни ва овоз бериш жойи тўғрисида хабардор этади;
- ✓ бинонинг яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналари ва сайлов кутилари, шунингдек бошқа жиҳозлар билан тайёрлаб қўйилишини таъминлайди;

- ✓ сайлов куни участкада овоз беришни ташкил этади;
- ✓ овозларни санаб чиқади;
- ✓ сайловчиларнинг ва сайлов жараёни бошқа иштирокчиларининг муурожаатларини кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади.

Участка сайлов комиссиясининг мажлиси раиснинг ташаббусига кўра ёки комиссия аъзолари умумий таркибининг камида учдан бир қисми талабига биноан чақирилиши мумкин.

Сайлов комиссиясининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарори қуйи сайлов комиссиялари, шунингдек барча давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, меҳнат жамоалари ва ҳарбий қисмлар,

корхоналарнинг, муассасаларнинг ва ташкилотларнинг раҳбарлари ижро этиши учун мажбурийдир.

Давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш учун керакли бўлган бинолар ва жиҳозларни сайлов комиссиялари ихтиёрига бепул бериб туриши шарт.

Участка сайлов комиссияси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатлар Марказий сайлов комиссияси томонидан, маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар тегишли вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинганидан кейин ўз фаолиятини тугатади.

Участка сайлов комиссиясининг ваколат муддати тугаганидан сўнг ўн кун ичида туман ва шаҳар ҳокимликларига қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида сайловга оид ҳужжатларни ва сайлов жараёнида фойдаланилган моддий қийматликларни тақдим этади.

## 2.7. Илова

### Саволлар:

1. Мазкур йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлигига сайлов бўйича ташкил этиладиган сайлов участкаларининг бир биридан фарқи нимада?

---

---

2. Участка сайлов комиссиялари қандай тартибда ва таркибда (шу жумладан, аъзоликка номзодларга қўйилган талаблар) шакллантирилади?

---

---

3. Участка сайлов комиссиясининг қандай ваколатлари бор ва ушбу комиссияларнинг фаолият муддатларини айтинг.

---

---

4. Участка сайлов комиссиялари ташкил этилгандан сўнг улар сайлов кунига қадар қандай фаолият билан шуғулланади?

---

---

### Сайлов кунига қадар участка сайлов комиссиялари бажарадиган вазифалар

Комиссия аъзолари тасдиқлангандан сўнг, 3 кун ичида участка сайлов комиссиясининг биринчи ташкилий йиғилишини ўтказди. Ушбу йиғилишда участка сайлов комиссиясининг иш режасини тасдиқлайди ҳамда навбатчилик жадвалини ишлаб чиқади ва қабул қилади

Участка биноси ва овоз бериш хонасини шай ҳолатга келтиради

Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида сайловчиларни сайловдан камида 10 кун олдин хабардор қилади

Қуйидаги тадбирларни амалга оширилишини режалаштиради:

- овоз бериш куни, вақти ва жойи тўғрисида (*сайловдан камида 15 кун олдин*), участка сайлов комиссияси аниқ манзили, телефон рақами, иш вақти, сайловчилар рўйхати ҳамда депутатликка номзодлар ҳақидаги маълумотлар билан танишиш учун сайловчиларни хабардор қилиш;ни
- сайловчиларни қабул қилишни ташкил этишни;
- комиссия аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлашни;
- участка биноси ҳамда овоз бериш хонасини жиҳозлашни;
- округ сайлов комиссиялардан олинган ҳар бир сайлов бюллетенини икки нафар участка сайлов комиссияси аъзосининг имзоси ва комиссия муҳрини қўйиш орқали тасдиқлаш ҳамда уларнинг сақланишини таъминлашни

Комиссиянинг 3 нафаргача аъзосини сайлов даврида ишлаб турган вазифасидан озод этиш ва доимий фаолият юритишга жалб қилиши мумкин

Сайлов участкаси ҳудудида яшовчи имконияти чекланган шахсларнинг (ногирон, бемор, қария) рўйхатини шакллантиради  
комиссиянинг иш ҳужжатлари номенклатурасини ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалда қўллаш тўғрисида қарор қабул қилади

**НАЗОРАТ ТЕСТЛАРИ:**

**1. Округ сайлов комиссияси ваколатларига нималар кирмайди?**

- A) сайлов бюллетенларининг тайёрланишини таъминлаш;
- B) номзодларнинг ишончли вакилларини рўйхатга олиш;
- C) такрорий овоз бериш ва такрорий сайлов ўтказилишини ташкил этиш;
- D) мурожаатларни кўриб чиқиш ҳамда улар юзасидан қарор қабул қилиш.

**2. Сайлов участкалари сайловга камида неча кун қолганида тузилади?**

- A) 60;
- B) 65;
- C) 70;
- D) 75.

**3. Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати билан ишлаш ким томонидан амалга оширилади?**

- A) сайлов комиссияси раиси томонидан;
- B) сайлов комиссияси котиби томонидан;
- C) сайлов комиссияси таркибидаги масъул аъзо томонидан;
- D) A ва B жавоблари тўғри.

**4. Сайлов комиссиялари фаолиятини молиялаштириш ким томонидан амалга оширилади?**

- A) тегишли ҳокимият бюджетининг алоҳида сатрда назарда тутилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади;
- B) Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;
- C) Сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва фуқаролар сайлов ўтказиш учун Марказий сайлов комиссияси ҳисобига тушган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади;
- D) A ва B жавоблари тўғри.

**5. Сайлов участкаларининг тартиб рақамини қайси сайлов комиссияси белгилайди?**

- A) вилоят сайлов комиссияси;
- B) марказий сайлов комиссияси;
- C) туман сайлов комиссияси;
- D) округ сайлов комиссияси



## 2.10. Илова

### 1-казус.

Округ сайлов комиссиясининг аъзоси Г. билан иш ҳажми қисқарганлиги муносабати билан жорий йилнинг 20 ноябрь куни меҳнат шартномаси бекор қилинди. Иш берувчи – МЧЖ директори – Г.га икки ой олдин (яъни огоҳлантириш бериш даврида у комиссиясининг аъзоси бўлмаган) берилганлигини, МЧЖда ишлаб чиқариш ўзгарганлиги унга Г.ни малакаси етарли бўлмаганлигини маълум қилди. Иш берувчининг участка сайлов комиссияси аъзоси бўлган фуқаро билан меҳнат шартномаси бекор қилиш тўғрисидаги буйруғи тўғри-ми?

### 2-казус.

Участка сайлов комиссия аъзолари сайлов участкаси ҳудудида яшовчи сайловчилар тўғрисидаги маълумотларнинг тўғрилигини уйма-уй айланиб юриш вақтида фуқаро А. телефони орқали видеога олиб, унинг фамилиясини сайловчилар рўйхатидан ўчиришни талаб қилади. У сайлов участкасига бориб сайловчилар рўйхатида ўзи тўғрисидаги маълумотларни кўрса, участка сайлов комиссиясининг ҳаракатлари устидан Сайлов кодексининг 30-моддасига асосан суд ва Марказий сайлов комиссиясига шикоят қилишини ва ушбу видео тасвирни илова қилишини маълум қилади.

Мазкур вазиятга ҳуқуқий баҳо беринг ва сайлов участкаси аъзолари ҳаракатларини айтиб ўтинг.